

ЎРТА ОСИЁДА ФАН ВА МАДАНИЯТНИНГ ҚАЙТА УЙҒОНИШИ ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Насирдинов Авазбек

XXX

Камолиддин Бехзод номидаги МРДИ

“Дастгоҳли рангтасвир”

кафедраси ўқитувчи

nasirdinovichavazxon@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада Темурийлар даври меъморчилигининг ноёб дурдоналари ҳақида, бу иншоотларнинг ўзига хос жиҳати улар ҳажм жиҳатидан маҳобатли қилиб бунёд этилганлиги. Жумладан, Самарқанддаги Амир Темур жоме масжиди, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбараси, Машҳаддаги Гавҳаршодбегим жоме масжиди, Мозори Шарифдаги Кўк масжид шулар жумласидандир. Қуйида шу ва шу каби обидаларнинг баъзилари билан батафсилроқ танишиб чиқилади.

ЎРТА ОСИЁДА ФАН ВА МАДАНИЯТНИНГ ҚАЙТА УЙҒОНИШИ ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Ўрта Осиё меъморлигидаги энг яхши давр бу Амир Темур ва темурий шахзодалар номи билан боғлиқ. Темурийлар даврида санъат ва маданият, адабиёт сингари қурилиш ишлари, меъморчилик мисли қўрилмаган даражада ривожланган. Амир Темур буюк иморатлар, масжид ва мақбаралар, ўлкан боғу-роғлар, сув иншоотлари барпо этганлиги билан ҳам машхур. Кейинчалик унинг авлодлари ҳукмронлик йилларида салтанатнинг турли ҳудудларида ноёб архитектура намуналари қурдирган. Булар асосан масжид, мадраса, карвонсарой, расадхона, мақбара, саройлар, хонақоҳлар бўлган. Бу иншоотларнинг ўзига хос жиҳати улар ҳажм жиҳатидан маҳобатли қилиб бунёд этилган. Жумладан, Самарқанддаги Амир Темур жоме масжиди, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбараси, Машҳаддаги Гавҳаршодбегим жоме масжиди, Мозори Шарифдаги Кўк масжид шулар жумласидандир. Қуйида шу ва шу каби обидаларнинг баъзилари билан батафсилроқ танишиб чиқсак.

Темур ва унинг авлодлари даврида Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Шахрисабз, Қарши, Туркистон, Хирот, Машҳад, Нишопур, Қобул ва бошқа шаҳарларда буюк яратувчилик ишлари олиб борилганди. Албатта, Амир Темур биринчи навбатда ўз пойтахти Самарқандни дунёнинг энг гўзал ва обод, кўркам шаҳрига айлантиришни истар эди. Уни даврида Самарқанднинг довуғи дoston бўлади. Шаҳарнинг тўрт томонида тўртта дарвозаси бўлган. Самарқанднинг ўзида соҳибқирон ҳукмронлиги даврида 80 га яқин ҳаммом, катта 5 та бозор бўлган. Хукмдор пойтахти атрофини боғларга айлантирган. Бундан ташқари Шахрисабздаги “Оқ сарой” ўз даврининг энг мухташам, бетакрор, мураккаб меъморий ечимга эга иншооти бўлган. Амир Темур қайси шаҳарни босиб олмасин, у ердаги усталар, санъаткорлар ва меъморларга алоҳида қизиқиш билан қараган. Уларга яхши шароитлар яратиб берганлиги тарихдан маълум.

Маълумотларга қараганда Темур кўрдирган қасрлардан машхурлари сифатида Самарқанд аркидаги Кўк сарой, Шахрисабздаги Оқ сарой, Хиротдаги Боғи Шарқ, Маврадаги Шоҳ саройларини мисол келтириш мумкин. Шуларнинг ичида унча-мунча сақланиб қолгани ва маълум даражада ўрганилгани — бу Шахрисабздаги Оқ сарой ҳисобланади. Бу қаср Шахрисабзнинг арки ҳисобланган. Унинг қурилиши 1380 йилдан бошланган бўлиб, Испания қироли Карл III нинг Темур саройидаги элчиси Руи Гонзалес Клавихонинг хабарига кўра ҳатто 1404 йилда ҳам баъзи пардоз ишлари давом эттирилган. Иншоотни ҳовлининг тўрт томонини ўраб олган муқташам иморат ташкил этган. Унинг ичида Амир Темурнинг ўзи ва ўғиллари учун алоҳида сарой хоналари барпо этилган. Шунингдек, қатор бошқа хоналар ҳам бўлган. Арkning кириш қисми ўлкан пештоқдан иборат бўлиб, бу пештоқ икки таянчининг харобаси бугунги кунда ҳам унинг салобатли эканлигидан гувоҳлик бериб турибди.

Амир Темур ҳар бир меъморий ёдгорликни кўрдирган сўнг уни қурган уста меъморни қатл эттирган деган маълумотлар ҳам бор. Сабаби, ҳеч қаерда бошқа бундай иншоат қўрилмаслигидадир. “Кўдратимизга шак-шўбханг бўлса биз қурдирган иморатларга боқ” ибораси айнан Амир Темурнинг Шахрисабз шаҳрида кўрдирган Оқсарой меъморий обидасида зарҳал харфлар билан ёзиб қўйилган. Ҳақиқатдан ҳам бундай ўлкан меъморий обидани кўрдириш, фақатгина кўдратлиларнинг қўлидадир.

Темур даври ёдгорликлари ичида гултожиларидан ҳисобланган Гўри Амир мақбара бугунги кунгача яхши сақланган. Мақбара аслида Амир Темурнинг невараси, Жаҳонгир Мирзонинг ўғли валиаҳд Муҳаммад Султон учун 1403-1424 йилларда бунёд этилган. Муҳаммад Султон 1403 йилда Кичик Осиёга қилган сафари вақтида, 29 ёшида бевақт вафот этади. Шаҳзода Самарқандга келтирилиб,

дастлаб масжиднинг хонақоҳида дафн қилинади. Мақбара битгач у ерга кўчирилади.

Кейинчалик мақбарага Амир Темур ва бошқа темурийзодалар ҳам дафн этилган. Бугунги кунда ушбу мақбарада Амир Темур, Муҳаммад Султон, Мирзо Улуғбек, Саййид Барака, Мироншоҳ Мирзо, Саййид Умар, Шохруҳ Мирзо, Абдуллоҳ Мирзо ҳамда Абдурахмон Мирзоларнинг қабрлари жойлашган.

Халқ орасида Бибиҳоним масжиди номи билан машҳур бўлган, турли афсонаю ривоятларга мавзу бўлган масжиднинг асл номи Амир Темур жоме масжидидир. Мазкур масжид 1399-1404 йилларда Амир Темур буйруғига кўра бунёд этилган. Манбаларда қайд этилишича, ўз даврида мусулмон дунёсидаги энг йирик жоме бўлган ушбу масжид ўз бағрига ўн минг намозхонни сиғдира олган. Ўзининг маҳобати, гумбазининг ўлканлиги билан замондошларининг ҳайратларига сазовор бўлган. Жумладан, темурийлар даври муаррихи Шарафиддин Али Яздий масжид гумбази ҳақида шундай деган: “Агар осмон гумбази бўлмаганда, масжид гумбази оламда ягона бўлар эди”.¹

Юқоридагилардан ташқари, Темур даврида қурилган улкан бунёдкорлик намуналарининг кўпчилиги бизгача сақланиб қолмаган ёки айрим қисмларигина сақланган. Биз мақолада тилга олмаган бошқа ёдгорликлар ҳам бор. Масалан, Самарқанддаги Шохи Зинда ансамблидаги қатор мақбаралар, Мирзо Улуғбек мадрасалари, Шаҳрисабздаги Оксарой қолдиқлари, Кўк Гумбаз масжиди, қатор мақбаралар ушбу даврга оид архитектура намуналари ҳисобланади. Бундан ташқари, Амир Темурнинг Самарқанд атрофидаги боғлари ва улардаги саройлар сақланиб қолмаган.

Яна бир мадраса бу Гўри Амир ансамбли ҳовлисининг шарқий қисмида жойлашган Муҳаммад Султон номи билан аталадиган бино қолдиқларидир. Бу бино пойдеворлари қовлаб очилган. Пештоқли бу мадрасанинг ҳам икки ташқи бурчагида иккита минора бўлган. Тахминан квадратга яқин бўлган кўринишли мадраса ҳовлисининг тўрида, пештоқнинг тўғрисида ёзги дарсхона, тўрт бурчагида тўртта каттароқ хона, ҳовлининг икки ён томонида олтитадан хужра жойлашган. Шулардан бири масжид вазифасини бажарган бўлса, яна бири қишки дарсхона бўлиб, қолганларидан ижтимоий мақсадларда фойдаланилган. Темур даврида қурилган мадрасалар қаторига яна Г. А. Пугаченкова томонидан киритиладиган Шаҳрисабздаги Дор ут Тиловат мадрасасини кўрсатиб ўтиш мумкин.² Масжид, мадраса ва хонақоҳлар ҳақида сўз борганида Амир Темур

¹ М.Қ. Ахмедов. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи Тошкент 1995

² Г.А.Пугаченкова .Л.И.Ремпел История искусств Узбекистана (С древнейших времён до середины девятнадцатого века) М.:Искусств: 1965

қурдирган бинолар келажакда мукамал ўрганиб чиқилиши зарурлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки Биби Хоним масжиди хусусидаги баҳсли фикрлар, яъни у фақатгина жомеъ масжиди бўлганми ёки айна пайтда мадраса вазифасини қам ўтаганми, шунингдек Самарқанддаги Ишратхона ва Оқсарой, Тимдаги Араб ота мақбаралари дастлаб шу мақсадда қурилганми ёки бошқа бир иморат, жумладан қаср вазифасини бажарганми, деган фикр тадқиқотчилар, (хусусан Г. А. Пугаченкова ҳамда П. Ш. Зоҳидовлар) орасида ҳар хил баҳс туғдириб келган. Худди шунингдек Тсмурбек томонидан Ясси (ҳозирги Туркистон)да бунёд этилган Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси — хонақоқи, Шаҳрисабздаги Жаҳонгир мақбараси (Ҳазирги номи Ҳазрат Имом), Самарқанддаги Гўри Амирнинг тугалланмай қолган қисмлари каби иншоотлар Тсмурдан олдин ҳам, кейин ҳам ўша кўринишда (Ҳиротдаги Гавхаршодбегим мақбараси бундан мустасно) қайтарилмаган. Бу иморатлар ниҳоятда юксак меъморий ечимга эга. Аммо Шоҳрух, Улуғбек ва Навоий даврларида улар томонидан Ҳирот, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда талайгина мадрасалар қурилади.¹

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ўрта Осиё қадимий маданий масканлардан ҳисобланиб, дунё санъати ва адабиёти тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшиб келган. Шунингдек бу ўлкада қад ростлаган меъморчилик дурдоналари ҳам жаҳон халқлари меъморчилиги орасида муносиб ўринга эга. Жумладан сомонийлар мақбараси, Минораи Калон, Хўжа Аҳмад Яссавий хонақоҳи, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа қатор шаҳар меъморий ансамбллари ўзининг бадиий ифодаси, сержилолиги билан кишилар диққатини тортиб келмоқда. Орадан бир неча юз йилликлар ўтган бўлсада Амир Темур ва Темурийлар бунёд этган иншоотлар ўз маҳобати ва гўзаллиги билан жаҳон меъморчилигининг асл дурдоналаридан бири бўлиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. М.Қ. Ахмедов. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи Тошкент 1995
2. Г.А.Пугаченкова .Л.И.Ремпел История искусств Узбекистана (С древнейших времён до середины девятнадцатого века) М.:Искусств: 1965
3. Интернет маълумотлари

¹ М.Қ. Ахмедов. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи Тошкент 1995